

634.9
Ш-197

Қ. Ш А М С И Е В

**САВАТ
ТЎҚИЙДИГАН
ТОЛЛАРНИ
КЎПАЙТИРИНГ**



634.9 | 19700/1

III - 197 | Шамсиев К.

Сават түүнийдигэн

онн күйтэйтирэнг

- 4т


Қ. ШАМСИЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

634.9
Ш-197

САВАТ ТЎҚИЙДИГАН
ТОЛЛАРНИ
КЎПАЙТИРИНГ

1900251 др

№ 15



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти
Тошкент — 1968

К

634.9

III22

Шамсиев К.

Сават тўқийдиган толларни кўпайти-
ринг. Т., Ўзбекистон КП МКнинг наш-
риёти, 1968.

26 бет.

Тиражи 11150.

Шамсиев К. Разведение корзиночных ив.

634.9

Кириш

«Оқ олтин» диёри деб ҳаққоний ном олган серқуёш республикамизда боғдорчилик, токзорчилик, пиллачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Партия ва ҳукуматимизнинг шу тармоқларга катта эътибор бераётганликлари туфайли боғдорчилик ва токзорчилик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Қолхоз ва совхозларда саноат аҳамиятига эга бўлган жуда катта сўлим боғлар барпо этилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган совхозларда 25820 гектар боғ ва 22260 гектар токзорлар бор. 1970 йилга бориб боғлар 27980 гектарга, токзорлар эса 29270 гектарга кенгайиши керак.

Республикамиз колхозларида боғлар майдони 145200 гектар, токзорлар эса 53700 гектардан зиёдроқдир. Ўрмончилик хўжаликларида сўнгги 4—5 йил ичида 4500 гектардан кўпроқ майдонда боғ ва токзорлар ташкил қилинди. Ўзбекистонимиз ўзининг серҳосил, энг яхши хўраки, таъми тилингизда қоладиган майизбоп ва винобоп узум навлари, олма-ю, ноклари ва бошқа ҳар хил мевалар етиштириши жиҳатидан Совет Иттифоқидагина эмас, чет элларда ҳам машҳурдир.

Миришкор ва фидокор боғбонларимиз янги

ўзлаштирилаётган қўриқ ва бўз ерларни боғ-бўстонларга айлантириш, совхоз, колхоз ва ўрмон хўжаликларида кўплаб боғ-роғлар яратиш йўлида ажойиб ишлар қилишмоқда.

Ўзбекистон иқлими яхши бўлганлиги учун бу ерда ҳар хил олма, ўрик, нок, шафтоли, олхўри, гилос, олча, узум, анор, анжир, бодом ва шунга ўхшаш мевалар билан бир қаторда лимон, апельсин, хурмо ва бошқа хил субтропик мева ўсимликларини ҳам ўстириш имкониятига эга. Ана шу ноз-неъматларни ўз вақтида нобуд қилмай йиғиштириб олиб, тегишли жойларга — заводларга, савдо корхоналарига юбориш учун жуда кўп саватлар талаб қилинади. Ҳар йили неча минг тонналаб етиштирилаётган кумуш тола — пиллани теришда ҳам колхоз ва совхозларнинг саватга эҳтиёжлари каттадир.

Толнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Тол дарахти хилма-хил бўлиб, унинг 600 га яқин тури бор. Шундан 150 таси СССРда ўсади. Бундан ташқари чатиштириш йўли билан олинган кўпгина янги навларини ҳам учратиш мумкин.

Тол халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. У дарахт ва бута шаклида бўлиб, тез ўсиш хоссасига эга. Толлар қисқа муддат ичида ҳар хил эҳтиёжлар учун ишлатишга ярайдиган ёғоч беради. Тол ёғочи қаттиқ бўлмай, унинг 1 см³ оғирлиги 0,48—0,53 граммга тенг келади. Бу ёғоч қурилишларда ва ҳар хил жиҳоз буюмларини тайёрлашда ишлатилади. Кўпгина толлар турининг пўстлоғида 18 процентгача ошлов моддаси бўлади. Бу жиҳатдан тол тери саноатида муҳим хом ашё ҳисобланади. Тол дарахти энг яхши нек-

тар (гуласак) вадоривор (салицинли) ўсимлик-дир. Толдан ўрмон мелиоратив ишларида — қум, жар, дарё бўйлари, канал ва сув ҳавзалари четларини мустаҳкамлаш учун ҳамда дарё соҳилларини ўрмонзор қилиш учун фойдаланилади.

Канал бўйига ўтқазилган толлар ўз илдизлари билан зах сувларни шимиб олиб ҳавога парлатади. Далаларни (айниқса улар канал сатҳидан паст жойлашган бўлса) ботқоқланишдан сақлаб қолади. Ер ости сувлар юза бўлган жойларда толлар сувни кўп шимиб олади ёки биологик дренаж вазифасини бажаради. Толнинг декоратив (манзарали) турлари шаҳар ва аҳоли яшайдиган пунктларни кўкаламзорлаштиришда жуда-жуда қўл келади.

Янги ўзлаштирилаётган ерларда халқимиз биринчи галда тол ва терак экадилар. Шунинг учун ушбу дарахт турлари бошқа дарахтларнинг пионери ҳисобланади. Ўрмон ихота дарахтзорларни барпо қилишда дарахтсимон толлар кўплаб экилади.

Сават толнинг бир йиллик новдаларидан ҳар хил нусхадаги катта-кичик саватларни тўқишда фойдаланилади. Толнинг йирик новдалари эса гардиш, мебель, болалар учун аравачалар қилиш учун яхши маҳсулот ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, республикамизда етиштириладиган кўп миқдордаги меваларни, айтиқса тез айтиб қолиб ўз сифатини йўқотадиган нозик меваларни челак ёки темирдан ясалган бошқа идишларда теришга нисбатан толдан тўқилган саватларга териш катта аҳамиятга эга. Бундай саватлар ўзининг енгиллиги, ҳаво ўтказиб меваларни чиришдан сақлаши, арзон бўлишлиги ва баъзи бошқа фойдали хусусиятлари жиҳатидан темирдан ясаладиган буюмлардан афзал туради.

Тол новдаси узумчилик хўжаликларида кузда ток кўмишдан олдин уларнинг новда ва зангларини боғлаб қўндоқ қилишда ҳам кенг миқёсда ишлатилади.

Маълумки, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида боғдорчилик ва токзорчиликни ривожлантириш учун кўп миллионлаб ҳар хил мевали ва манзарали кўчатлар етиштирилади. Шу тайёрланган узум калтакларини, мевали ва манзарали кўчатларни боғлашда ҳам сават толининг новдасидан фойдаланилади.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти қошидаги кўчатзорлар бошқармасининг бошлиғи С. Т. Руденко ахборот беришича, ҳар йили шу институтга қарашли кўчатзорларда етиштирилаётган кўчатларни, тайёрланётган ток калтакларини боғлаш учун 40—50 тоннадан кўпроқ қимматбаҳо сим сарфланади, ваҳоланки шу миқдордаги сим талабнинг ярмини ҳам қондирмайди. Шунга кўра кўпинча бу ишда ҳар хил материаллардан фойдаланадилар.

Сим ва бошқа тезда чириб кетмайдиган материаллар билан кўчатларни боғлашнинг ёмон хусусиятларидан бири шуки, кўчатлар ва ток калтаклари экилганидан кейин бўшаган симлар қайтадан йиғиб олинмай далаларда қолиб кетади. Ёз даврида кўчат қатор ораларига ишлов беришда ушбу симлар трактор, культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларига илиниб, экилган ток калтакларини ва пайвандларни синдириб юбориши мумкин. Агар шу симлар ўрнига тол новдалари ишлатилса, юқоридаги нуқсонларнинг олди оlinиб, хўжаликлар иқтисодий тежаш имкониятига эга бўлишади.

Сават толларнинг асосий турлари

Марҳум профессор В. П. Дробовнинг (1953) маълумотига кўра, Ўзбекистонда толнинг 32 хили учрайди. Шулардан 8 тури бошқа республикалардан келтирилган. Аммо кўпчилик тол турлари республикада ёввойи ҳолда дарё бўйларида, тўқайзорларда ва бошқа ташландиқ, вақти-вақти билан сув босадиган жойларда ўсади. Аммо яхши новда берадиган сават тол навлари ҳали ҳам кам учрайди.



1-расм. Колхоз ва совхозларга тавсия қилинган тол новдаларидан тўқилган саватлар.

Колхоз ва совхозларда, ўрмончилик хўжаликларидида мевачилик, токзорчилик ва пиллачиликни ривожлантиришни ҳисобга олиб, уларнинг саватга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтида 1961 йилдан бошлаб тол устида илмий иш олиб борилаётир. Бир қанча илмий тажрибалар



2-расм. Новданинг пўсти артиямасдан тўқилаётган катта саватлар.

билан айни вақтда Ўрта Осиё республикаларида яна турли хил сават толлар ўстирилиб синовдан ўтказилди. Уларнинг тез ўсувчанлиги, ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилигига, новдасининг сифатига ва бошқа биологик хусусиятларига қараб Ўзбекистон колхоз ва совхозларида ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотларда суғориладиган ерларда экиб кўпайтириш учун қуйидаги сават толларни тавсия этамиз: Дёрнул дарёси бўйида академик В. Н. Сукачев томонидан танланган (селекция) тол, Швециядан олинган конопляна толи, селекция йўли билан яратилган № 27 қизил тол, «Толлар подшоеси» номини олган конопляна номли тол, каспий толи, узун баргли тол, № 80 мажнун номи билан юритиладиган сават тол ва бошқалар. Ана шу навлар экилганида улардан кўп ва сифатли новдалар олинади.

Сават тўқийдиган тол экиш учун ер танлаш ва тайёрлаш

Толзор учун ажратиладиган майдон қуйидаги шароитларга мос келганидагина кутилган натижаларга эришиш мумкин. Даставвал, бундай майдоннинг атрофи очик, қумоқ ва қумлоқ тупроқли, сувни ўзига яхши сингдирадиган ва шўрланмаган бўлиши керак. Сув билан яхши таъминланган ҳамда ёввойи ўтлардан тозаланган, экин экилиб келаётган ерлар ажратилса яхши натижа беради. Тупроқнинг унумдорлиги ўртача бўлсин, агар ер жуда унумдор бўлса, тол новдалари ҳаддан ташқари йўғонлашиб мўрт бўлиб қолади, техникавий жиҳатдан сифати ёмонлашади. Аксинча, ер жуда унумсиз, бўз ер бўлса, толзорлар ўз вақтида озиқлантирилмаса, уларнинг новдалари кам, калта ва ингичка бўлиб ўсади.

Агар колхоз ва совхозларда юқорида кўрсатилганидай ерлар топилмаса кўкламда қисқа муддат сув босадиган сой бўйларида, дала четларидаги ерларда толзорлар барпо этиш мумкин.

Толзор учун ажратилган майдон кузда 25—30 сантиметр чуқурликда шудгор қилиб қўйилиши шарт. Тупроқ шўрхок бўлса, шўрини ювиш зарур. Агар тол кузда экиладиган бўлса, ер ҳайдалганидан кейин бир-икки марта бороналанади, серкесак ҳайдалган майдонларга эса қўшимча ёғоч мола босилади. Бундай қилинганида ернинг паст-баланди текисланади. Ер суғорилганда тупроқнинг бир текис ва яхши намланиши учун бироз нишаброқ майдон ажратилса яхши натижа беради. Ер кузда ёки кўкламда экин учун тайёрланганидан кейин, толнинг неча йил муддатга экилиши ва қатор ораларининг қайси қишлоқ хўжалик машиналари билан ишланишини назар-

да тутиб, ҳар хил кенгликда маркёр солиниши керак. Мабодо толзор орасини икки томонлама ишлаш мўлжалланган майдонларда шахмат усулида қилиб маркёр икки томонлама солинади. Уяларга тол қаламчаси ўтқазилади.

Тол қаламчаси тайёрлаш ва экиш

Тол қаламчалари кузда ёки эрта кўкламда куртак чиқаргунча тайёрланади ва экилади. Бунинг учун тавсия қилинган сават толлар навидан йўғонлиги 0,8—1,5 сантиметр бўлган 20—25 сантиметр узунликда қаламчалар тайёрланади. Қилинган тажрибалар шуни кўрсатадики, қаламчани кузда тайёрлаб, кетма-кет экилса яхши самара беради. Бу муддат республикамизнинг шимолӣ районларида октябрь ойининг охири, ноябрнинг биринчи яримларига, жанубий районларида эса, ноябрнинг охирларига, агар об-ҳаво иссиқ бўлса, декабрь ойининг бошларига тўғри келади.

Агар толзор қилинадиган жойнинг шароити кузда экиш учун қулай бўлмаса ёки бошқа сабабларга кўра хўжаликда қаламча экилмай қолинса, тайёрланган новдаларни 40—50 сантиметр чуқурликдаги ўраларга кўмиб эрта кўкламгача сақлаш керак. Кўмишдан олдин ўранинг тагига 4—5 сантиметр, новда ёқи қаламчанинг тагига ҳам шунча қалинликда қум солиниши керак. Сўнра тупроқ солиб, усти қия қилиб кўмилгани маъқул.

Қиш даврида ўрага кўп нам тушса ёки сув тўпланиб қолса, экиладиган қаламчаларнинг сифати ёмонлашади, айрим ҳолларда чириб ҳам қолади. Кўмилган новдаларни эрта кўкламда ўрадан олиб, улардан қаламчалар қирқиш керак. Қирқилган қаламчанинг устки томони қисман

қийшиқ бўлиши зарур ва охирги куртаги 1—2 сантиметр пастроқда жойланиши керак.

Шуни айтиш лозимки, тол қаламчаларини кузда ер сатҳидан 1—2 сантиметр чуқурроқ қилиб экиш зарур. Нега десангиз, қишда ва кўкламда ҳаводан тушдаиган намлардан кейин тупроқ анча зич жойлашади. Натижада экилган қаламчанинг 2—3 сантиметр ва ундан ҳам кўпроқ қисми ер юзасига чиқиб қолади. Бу, тупроқнинг оғир-енгиллиги ва механик таркибига боғлиқдир.

Кузда тайёрланган майдонга кўкламда қаламча экилганида ер бетида қаламчанинг 2—3 сантиметр қисми (битта куртаги билан) қолдирилиши керак. Экилган қаламчанинг атрофлари қўл ёки оёқ билан босиб қўйилиши керак. Бундай қилинганида, қаламча атрофидаги бўшлиқлар йўқолиб, у яхши илдиз олиб, тез кўкаради.

Сават тол қаламчасини ҳар хил қалинликда экиш мумкин. Бу бўлажак толзор майдонининг катталигига, қатор ораларининг қайси техника билан ишланишига ва қанча муддатга экилганига ҳам боғлиқдир.

Бир гектарга экиладиган тол қаламчалари сони уларнинг қандай қалинликда экилишига қараб қуйидагича бўлади:

Ҳар хил қалинликда экилганда бир гектар ердаги қаламча сони (дона)

Қатор оралиғи (сантиметр)	Ҳар қаторда қаламча оралиғи (сантиметр)					
	50	60	70	80	90	100
60	33200	27750	23800	20800	18500	16800
70	28600	23800	20400	17850	15850	14300
80	25000	20800	18750	15650	13850	12500
90	20700	18750	15850	13900	12350	10350
100	20000	16650	14300	12500	11100	10000

Ўтказилган тажриба шуни кўрсатадики, тол қаламчаларининг қатор ораси 70 сантиметр, туп ораси 25 сантиметр қилиб экилганда, биринчи ва иккинчи йилларда берадиган умумий новдаси қатор оралари 70 сантиметр, туп ораси 60 сантиметр қилиб 70×70 сантиметр схемаси асосида экилган майдондаги толзордан олинадиган новдаларга нисбатан кўп бўлади. Кейинги йилларда ҳосил жиҳатидан юқоридаги майдонларнинг фарқи йўқола бориб, сийрак қилиб (70×60 , 70×70 см) сантиметр схемаси асосида экилган толзорлар кўп новда бераяпти.

Шунинг учун қаламчаларни ҳар бир гектар ерга қуйидаги қалинликда экиш тавсия этилади: Масалан, қатор ораси 70 сантиметр, туп ораси 50 сантиметр бўлганда бир гектарга 28,6 минг қаламча экилиши керак $70 \times 60 = (23,8 \text{ минг})$; $70 \times 70 = (20,4 \text{ минг})$; $80 \times 50 = (25 \text{ минг})$; $80 \times 60 = (20,8 \text{ минг})$; $80 \times 70 = (18,7 \text{ минг})$; $80 \times 80 = (15,6 \text{ минг})$ ва бошқа ҳар хил кенгликда қаламча экиш мумкин. Яна шуни айтиш керакки, бу ораликлар экиладиган тол навларига ҳам боғлиқдир. Масалан, қизил тол (ива пурпурная) ва унинг дурагайлари (гибрид) сийрак қилиб экилганида яхши натижа бермайди.

Толларни парвариш қилиш

Толлар экилгандан кейин кутилган натижага эришиш учун ўз вақтида қондириб суғориш қатта аҳамиятга эгадир. Қаламча кўкламда ўтқазилган ерда нам етарли бўлса ҳам, уларни кейин суғориш лозим. Колхоз, совхозларининг иқлим, тупроқ шароити, ер ости сувларининг қандай чуқурликда жойланишига қараб, янги ташкил қилинган толзорлар биринчи йили ўсим даврида 6—12 марта

суғорилади, айниқса илдиз олаётган даврида (экилганидан 30—40 кун ўтгач) уларни мунтазам равишда суғориб туриш жуда муҳим. Иккинчи ва ундан кейинги йилларда толзорларни бир ўсиш даврида районнинг иқлим шароитига қараб 4—8 марта суғориш кифоя қилади. Ҳар йили суғориш пайтида толларнинг яхши сув ичишига эришиш керак.

Ўзбекистоннинг шимолӣ районларида суғоришни сентябрь ойи охирларида, жанубий районларда эса октябрь ойида тугаллаш мақсадга мувофиқдир.

Суғоришдан ташқари, толзорларнинг қатор ораларини ўз вақтида юмшатиб туриш уларнинг яхши ўсишини ва серҳосил бўлишини таъминлайди. Биринчи йили тол қаламчалари экилганидан кейин (кўкламда) 1—1,5 ой вақт ичида агар ер остида нам етарли бўлса зўр бериб илдиз олаётган даври бўлади. Демак, бу муддат ичида экилган қаламчалар атрофини чопиқ қилишнинг ҳожати йўқ. Шундан кейин қатор орасини ва туп ораларини 6—8 сантиметр чуқурликда чопиқ қилиш мумкин. Ернинг серўт ва кам ўтли бўлишига қараб, бир ўсиш даврида 3—4 марта юмшатиш кифоя.

Тол қаламчалари кузда экилган майдонларда кўкламга келиб қатор ва туп ораларида ёввойи ўтлар илгарироқ ва кўпроқ пайдо бўлади, бундай майдонларда кўкламда қатор оралари юмшатилади, туп ораларидаги ўтларни қўл билан юлиб ташлаш зарур. Агар толзорда қаламчалар шахмат (70×70 см) усулида экилган бўлса, туп ва қатор ораларидаги ўтларни қўлда юлишнинг ҳожати йўқ. Уларни йўқотиш ва тупроқни юмшатиш учун ДТ-20, ДТ-24, Т-28, Т-4 ва «Беларусь» тракторларига осиб ишлатиладиган КРН-2,8А

маркали культиватор ишлатилади. Агар хўжаликда шундай тракторлар ва культиваторлар бўлмаса Т—28, ДТ-24—3 тракторларига ҚРН-4—6 культиваторини тиркаб фойдаланиш мумкин.

Хўжаликларда тол 60×60 сантиметр ёки 60×45 сантиметр схемаси асосида экилса, бундай майдондаги тол қатор ораларини Т-28Х ва ДТ-24—3 тракторларига тиркаладиган ҚРХ-4 маркали культиватор билан ишлаш талаб этилади. Тупроқнинг механик хусусиятига, далада ёввойи ўтларнинг кўп ёки кам бўлишига қараб, толзор қатор ва туп оралари қаламча экилган йили 3—6 марта культивация қилиниши мумкин. Иккинчи ва ундан кейинги йилларда эса толзорларни парвариш қилиш учун кўп маблағ сарфланмайди, бунга сабаб, толларнинг асосий илдиз қисмларининг юқори қатламида жойлашган ва тол сершоҳ бўлиб ўсиши натижасида бу майдонларда бегона ўтларнинг сони биринчи йилдагига нисбатан анча камаяди, уларни йўқотиш осон бўлади.

Шунга кўра 2—3 ёшли бўлганидан бошлаб, толзор қатор орасига ишлов беришни биринчи йилдагига нисбатан 50—60 процент камайтириш, чуқурлигини 4—5 сантиметр оширмай, ишлов бериш кифоя. Толзор қатор орасини чопиқ қилиш ва культивация эрта кўкламда — тол барг чиқармасдан ёки чиқарган бўлса ҳам, баланд ўсмасдан ўтказилса яхши натижа беради. Аксинча толлар ўсиб, шохлаб кетганидан кейин, қатор ва туп ораларида кетмон билан чопиқ қилиш ёки трактор, от культиваторларининг юриши қийинлашади, ишлов даврида анча новдалар босилиб, синиб кетади. Агар қатор орасини юмшатиш, дори солиш, суғориш лозим бўлса, бундай майдонларни ишлашда тракторнинг олди томонига алоҳида туңукадан ясалган сақлагич (шчит) ўриатиш зарур.

Толларни ўғитлаш

Ўзбекистоннинг бўз тупроқли ерларида азот ва фосфорнинг етишмаслиги сезилади. Шунинг учун колхоз ва совхозлар бундай тупроқли майдонларда толзор барпо этадиган бўлсалар, у вақтда ерга органик ва минерал ўғит солишлари зарур. Органик ва минерал ўғитлар аралаштириб ерга солинса экилган толлар яхши ўсади, берадиган новда ҳосиллари кўпаяди. Хўжаликда органик ўғитлар бўлмаган тақдирда минерал ўғитларни ўз вақтида етарли миқдорда солиш ҳам кифоя қилади. Ўрмон хўжалик илмий тадқиқот институтида Т. А. Желтикова томонидан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, бир гектар толзорга йил давомида 90 килограмм соф азот ва 90 килограмм фосфор солинса дуруст самара беради. Фосфорли ўғитлар одатда кузда ёки эрта кўкламда тол қатор ораларини ишлаш пайтида солинади. Қолган қисми (30—40 килограмм) ҳисобидан ёзнинг иккинчи ярмида — тол қатор ораларига солиш мумкин. Азотли ўғитлар фақат тол ўсув даврида солиниб, унинг ярим нормасини кўкламда (март-апрель ойларида), қолгани эса июнь-июль ойларида, сугориш олдида (кичик майдонли толзорда) ариқларга қўлда сепилади. Тракторда ўғитлаш машинаси ёрдамида 8—10 сантиметр чуқурликка солинади. Сават толзорларига кўрсатилган нормадан кўпроқ азотли ўғит, айниқса унинг иккинчи муддатида (июнь-июль) ойларида солинса, уларнинг новдалари тез ўсиб, йўғонлашиб кетади, улар мўрт бўлиб қолади. Сават тўқишда ва ток зангларини боғлаётганда бундай новдаларининг маълум қисми синиб кетиши мумкин.

Тол новдаларини кесиш


Ўзбекистон шароитида сават тол навдаларини кузда ва кўкламда (баданига сув олмасдан) кесиб тамомлаш керак. Кузда толнинг ўсиши тўхташи биланоқ кеса бошлаш мумкин, аммо новда кесишни қишнинг илиқ кунларида ҳам давом эт-



3-расм. Тошкент ўрмон хўжалигида тайёрлаб қўйилган саватлар.

тирса бўлади. Шимолий районларда эса кузда новданининг ҳаммасини кесиб олиш шарт. Текширишда бу районларда кесмай қолдирилган бир йиллик новдаларнинг қишки ва эрта кўкламги совуқдан зарарлангани аниқланди. Кузда новдани кесишнинг яхши хусусиятларидан яна бири шундаки, кузда кесиб олинган новдалар, шу пайтнинг ўзида хўжаликлардаги тоқларни кўмишдан олдин новдаларини боғлашда ишлатилади. Бу, новдалардан қиш даврида ҳар хил саватлар тўқиб тайёрлаб қўйиш имкониятини беради. Чун-


ки-қишда совхоз ишчилари ва колхозчилар дала ишларидан анча бўш бўладилар. Тол новдаларни кузда ва қиш даврида кесилса, тупларининг (кўчатларининг) тагида ёз даврида пайдо бўлган



4-расм. 70×70 см қилиб экилган плантациядаги бир йиллик новдалар.

зараркунандалар қўйган тухумлар совуқдан кўп зарар кўриб (очириб қолганлиги учун) йўқ бўлиб кетади. Агар баъзи сабабларга кўра, бир

3—6561



йиллик тол новдаларини куз-қиш даврида кесиб улгурилмаса, бу ишни албатта кўкламда ўсимликнинг танасига сув югурмасдан бурун қисқа муддатда ўтказиш керак. Бу ишлар ўз муддатида бажарилмай қолса у вақтда ҳаво бирмунча исиши билан толларнинг кўп турлари барг чиқариб юбориши мумкин. Бундай новдаларнинг техника жиҳатидан сифати паст бўлади.

Тошкент ўрмон хўжалиги тол новдаларининг ёз даврида (июнь ёки июль) ойларида кесиб ўз цехида сават тўқийди. Бу кесилган новдаларнинг пўстлоғи осон шилиниши туфайли оқ саватлар яшаш имконияти туғилди. Аммо ёзнинг иккинчи ярмида толлар яхши ўсмайди, натижада новдалар калта, ингичка ва мўрт бўлиб қолади. Толзорда, новдаларни қайси муддатда кесишдан қатъи назар (кузда ёки эрта кўкламда) яхшилаб ҳамма жойидаги новдаларини кесиб олиш зарур. Мабодо, фақат ишга яроқли бўлган новдаларни олиб, ингичка ёки майда (ўсмай қолган калта) новдалар кесилмай тупда қолдирилса, келаси йили бу новдалар бўйига ўсмай, ҳар бир куртагидан янги, майда новдачалар пайдо бўлади, тол туп ораларидаги майдонларда ётиб қолади, серсув майдонларда, ерга тегиб турган жойларидан илдиз ҳам чиқаради. Бундай ҳол толзорларни парвариш қилишда қатор ва туп ораларини ишлашга ҳалақит беради, новдаларининг сифати паст бўлади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, толларни ер остида 2—3 сантиметрдан қолдириб кесиш кифоя, акс ҳолда бундан кўп қолдирилса, ҳар бир новданинг қолган қисмидаги куртаклардан новдачалар пайдо бўлиб, булар яхши ўсолмай — калта ва ингичка бўлиб қолиши мумкин.

Новдалар 8—10 сантиметр қолдириб кесилган майдонларда умумий ҳосил ва новданинг сифати,

2—3 сантиметр ва 5—6 сантиметр қолдириб кесилган майдондаги толзорларнинг ҳосил ва сифати паст бўлганлиги аниқланди. Бу майда (8—10 сантиметр қолдириб кесилган) ҳар туп кўчатда новдаларнинг сони кўп бўлиб, улар биологик жиҳатдан етилмай, натижада синувчан бўлиб қолади.

Толларнинг ёшига, тупроқнинг унумдорлигига қараб, қатор ва туп ораларининг кенглигини ҳисобга олиб, новдани 3—4 йилга 2—3 сантиметрдан, кейинги йилларда эса 4—5 сантиметрдан қолдириб кесиш мумкин.

Толзордан олинадиган маҳсулот

Яхши навли сават тол новдаларининг нархи ҳозиргача маълум сумма ҳисобида аниқланмаган. Баъзи ўрмончилик хўжаликларида (шу жумладан Тошкент ўрмончилик хўжалигида), дарё бўйларида ёввойи ҳолда ўсаётган тол новдаларидан бир кубометр тайёрлангани учун икки сўм 50 тийин тўланади. Одатда, тўқиладиган саватларнинг катта-кичиклигига, формасига, новданинг пўстлоғи билан ёки артиб тўқиляётганлигига қараб нархи ҳар хил бўлади.

Толзордан олинадиган новдалар қанчалик кўп ва сифатли бўлса, улардан тўқиладиган саватларнинг нархи қиммат ва иш унуми кўп бўлади. Кўп йиллик тажрибалар шуни исботлайдики, толзордан олинадиган новдаларнинг миқдори экилган сават толларининг навиға, ёшиға, тупроқ структурасига, ернинг унумдорлигига, толзорларнинг парваришиға ва бошқа сабабларға боғлиқдир.

Масалан, Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг дендрология боғида таж-

риба учун қатор ораси 60 сантиметр, туп ораси 20 сантиметр қилиб ўтқазилган ҳар хил сават толлар биринчи йили ҳар тупида 1—6 донагача, узунлиги эса ўртача 80—180 сантиметр бўлган новдалар берган. Асосий новдалардан ташқари яна ён новдалари (бачкилари) ҳам бўлган. Бир гектардан олинадиган умумий (баргсиз, ҳўл) новданинг оғирлиги 3—10 тоннага етади. Иккинчи йили худди шу толларнинг ҳосили биринчи йилдагига нисбатан 2—3 марта ошган. Агар толзорлар яхши парвариш қилинса, улардан олинадиган 3—4 ва кейинги йиллардаги ҳосил биринчи йилдагига нисбатан 10—12 марта зиёд бўлиши мумкин.

Толзор барпо этишдаги харажатлар

Ҳўжаликда сават тўқиш учун толзор барпо этиш ва уни биринчи йили парвариш қилишга қуйидаги харажатлар кетади. (Ҳамма харажатлар бир гектар ҳисобидан нормативга асосан ўртача ҳисобда олинган):

1. Ерни трактор билан 25—30 сантиметр чуқурликда шудгор қилишга — 3,0 сўм;

2. Ҳайдалган ерни қаламча экишга тайёрлаш учун универсал трактори билан текислашга — 0,50 сўм;

3. Ҳайдалган майдонда тупроқ серкесак бўлса, тракторда мола бостиришга — 0,40 сўм;

4. Қаламчани экишдан олдин 70×70 сантиметр кенгликда икки томонлама трактор билан маркеровка қилишга (чизиб чиқишга) 2,40 сўм;

5. Бир гектарга экиладиган қаламчани кесиб, тайёрлашга — 30 сўм;

6. Тайёрланган қаламачни қўлда 70×70 сантиметр кенгликда экиб чиқишга — 35 сўм;

7. Толзор бир йиллик ўсиш даврида ўртача 8 марта суғорилса — 49,0 сўм;

8. Қаламча қатор ва туп ораларини ўт босганида кетмон билан чопиқ қилишга (ўсиш даврида уч марта чопиқ ўтказилса) — 150 сўм;

9. Қатор ораларини 4 марта тракторда культивация қилишга — 3,2 сўм;

10. Бир гектар ерга солинадиган азотли ўғитлардан, соф азот ҳисобида 90 килограмм солинса, унинг таннарни — 13 сўмга тенг.

11. Соф фосфор 90 килограмм ҳисобидан солинса бунинг нархи — 11 сўм.

12. Азот ва фосфор ўғитларини толзорга тракторда солиш учун — 8,2 сўм сарфланади.

13. Толзор касалланса ёки унга зараркунандалар тушса, уларга қарши курашишга ва зарарладиган дорининг нархи билан бирга ҳисобланса ўртача 20 сўмни ташкил этади.

7 Етиштирилган новдаларни кесиб олиш нормативда кўрсатилмаганлиги учун, бу ишга сарфладиган харажат умумий ҳисобга кирмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, толзорни иккинчи ва кейинги йилларда парвариш қилиш учун бўладиган харажатлар, дастлабки йилдагига қараганда анча кам бўлади. Бунда асосий харажат қатор ораларини ишлаш, суғориш, дорилаш ва бошқа баъзи қўшимча ишлар учун сарфланади, холос.

Толнинг энг асосий зараркунанда ва касалликлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, толлар баъзи дарахт турларига нисбатан кўпроқ касалланувчи ва зарарланувчи дарахт ҳисобланади. Бу асосан толзорларда қўлланиладиган агротехникага (суғориш, чопиқ қилиш, дорилаш...

ва бошқалар), толларнинг турларига, экилган жойнинг иқлим шароитига боғлиқ, албатта. Толларни нобуд бўлишдан сақлаб қолиш учун уни юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш, касаллик ва зараркунандаларнинг пайдо бўлишига қарши профилактика тадбирларини вақтида ўтказиш керак. Акс ҳолда касалликлар ва зараркунандалар ўсимликларга катта зарар етказди, пировардида уларнинг қуриб қолишига сабаб бўлади.

Шуни эсда тутиш зарурки, теракларда учрайдиган зараркунандалар толларда ҳам бўлади ва аксинча.

Толнинг асосий зараркунандаларидан бири терак дўмбоқ қалқондори (тополевая выпуклая шитовка).

Бу ҳашарот жуда майда, катталиги 1,5—2 миллиметр гача бўлади. Унинг устки танаси қаттиқ қалқон билан қопланган. Урғочи ҳашарот тухумларини қалқон остига қўяди. Бу тухумлардан кўкламда ва август ойида (Ўзбекистон шароитида икки марта насл берадиган бўлгани учун) ҳам ҳаракатчан личинкалар — «дайдичалар» пайдо бўлиб, улар дарахтнинг ҳар томонига ўрмалаб кетади. Кейинчалик улар дарахтнинг янги пўстлоғига маҳкам ёпишиб олиб, ҳаракатсиз ётади ва қалқонга ўралади. Бу давр (цикл) кейинги йили яна такрорланади.

Терак қалқонлари жуда тез урчийди, дарахт танаси ва бутун шох-шаббасини ёппасига кулранг оқ ғубор билан қоплайди. Бу қалқонлар билан зарарланган толлар ёмон ўсади ва қуриб қолади. Бу зараркунандага қарши курашиш учун толзорга 8—10 процентли эмульсия карболенинум, агар хўжаликда бу дорилар топилмаса 1 процентли ДНОК суюқлигини сепиш зарур. Булар-

дан ташқари зараркундалар билан ёз даврида курашиш мақсадида 2,5 процентли эмульсия № 30 препаратга 0,1 процентли эмульсия метил этилтиофосни ёки 0,3 процентли эмульсия метил этилтиофосини (№ 30 препарати қўшмасдан) пуркаш яхши натижа беради.

Терак ингичка олтин қўнғизи (малая тополевая златка)

Унинг ранги тўқ сариқ, катталиги 9,5 дан 14 миллиметр гача бўлади. Бу қўнғизнинг личинкалари 20—30 миллиметр бўлади. Дарахтнинг ўсиш даврида бир марта авлод беради, урғочиси тухумларини дарахт пўстлогининг ёриқларига ва зарарланган жойларига қўяди. Терак кичкина олтин қўнғизи толнинг асосан илдиз бўғизи қисмига ва ёш тол кўчатлари танасининг пастки қисмига зарар етказади. Унинг тухумларидан чиққан қуртчалари толнинг ичи оқ пўстлогига ва ёғочини ейди. Унинг етук қўнғизлари ёш новдаларни ва япроқ бандларини кемириб ташлайди.

Бу ҳашаротдан зарарланган дарахтларни 5 процентли ДДТ ва 12 процентли (ГХЦГ) гексахлоран билан пуркаш ёки чанглаш керак. Дарахтлар апрель ойининг охирида ва май ойининг бошларида дориланади. Дарахтлар дориланганидан кейин ёмғир ёғиб қолса, дорилашни қайтадан ўтказиш зарур.

Тол барг кемирувчи-(ивовый листоед)

Бу қўнғиз майда, 4—7 миллиметр катталиқда тўқ кўкимтир рангли, йилтироқ таналидир. Кузда бу қўнғизлар тол пўстлогининг ёрилган жойларида қишлайди. Бу қўнғиз ва унинг тухумидан

чиққан қуртлари (личинкалари) барглар билан озиқланади. Қуртлари айниқса хўранда бўлиб, тухумдан чиқиши биланоқ (битта урғочиси 300 тагача тухум қўяди) баргларни ея бошлайди.

Барг кемирувчи қўнғиз қуртчалари жуда тез ривожланиб, тол новдаларига ўрмалаб чиқиб кетади ва унинг деярли ҳамма баргларини еб қўяди. Оқибатда дарахт ўсишдан тўхтайди-ю, лекин уйғонган куртакларидан янги барглар чиқа бошлайди. Қуртчалар эса буларни ҳам нобуд қилади.

Барг кемурувчи қўнғиз бир ёз фасли мобайнида бир неча марта авлод (бўғин) беради. Қўнғиз ва унинг қуртчаларига қарши жиддий курашиш зарур: зарарланган дарахтларга 5,5 процентли дуст ДДТ чанглантрилади ёки шу 5,5 процентли дуст ДДТ дан тайёрланган 2,5 процентли сув суспензия (эритмаси) пуркалади. Бу яхши натижа беради. Толзорлар биринчи қўнғиз пайдо бўлиши биланоқ шу хилда дориланади. Барг кемирувчи қўнғиз энди пайдо бўла бошлаган тақдирда дарахтларни дори билан чанглатиш ёки пуркаш такрорланади.

Тол шираси (ивовая тля)

Тол шираси қанотсиз, майда, ранги тўқ кўкимтир бўлиб, қизил кўзли, сариқ, узунлиги 2 миллиметр ва мўйлови бор. Тол шираси, ўсимликнинг танасига ёпишиб олиб, унинг шираси билан озиқланади. Улар йилига бир неча марта авлод беради, ўсимликнинг бу тол шираси билан касалланган жойидан ҳамма вақт шира томиб туради ва ўсишига зарар етказди. Тол ширасини йўқотиш учун толларга анобазин-сульфат ёки никотин-сульфатдан 1—1,5 граммни бир литр сувда эритиб сепилади.

Энг кўп тарқалган тол касалликлари — кал-мараз, занглаш ва барг доғланиши касалликлари ҳамда тол шохларини шикастлантирадиган цитоспориоз ва чиритадиган микроблардан иборатдир.

ЦИТОСПОРИОЗ — Бу касаллик билан тол, теракдан ташқари бошқа хил манзарали ва мева-ли дарахтлар ҳам касалланиши мумкин. Касалланишни *cytospora* (грипп) чақиради. Цитоспориоз асосан кўклам ва кузда, ҳавода намлик кўпайганида пайдо бўлиб, ўсимлик ёшлигида унга кўп зарар етказади.

Касаллик билан курашиш учун толзорда ёки кўчатзорларда касалланган тупларни кесиб, даладан четга чиқариб, куйдириб юбориш керак. Агар каттароқ дарахтларда бу касаллик учраса, уларнинг шохларини куйдириб, танасини кузда ёки эрта кўкламда 3—4 процентли бордос суюқлиги билан пуркаш лозим.

Толнинг барг доғланиш касаллиги (ржавчина ивы)

Бу касалликни *melampsora solicina* деган грипп чиқариб, асосан баргнинг остки томонида жойлашади. Тиниқ бўялган (оранжевый) рангли грипп пайдо бўлиши ўсимликнинг касалланганлигини исботлайди.

Зарарланган барглар орадан кўп вақт ўтмай қурийдир. Бир ёз фасли даврида споралари бир неча марта пайдо бўлади. Занглаш билан кўпинча ёш ўсимликлар зарарланади. Бу касаллик билан зарарланган толларни 0,5—1 процентли бордос эритмаси билан эрта кўкламда пуркаш талаб этилади.

Толнинг қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида фикр юритдик. Республикамиздаги хўжаликлар сербарг, серновда, серсоя, чиройли ва гўзал, сўлим ва киши диққатини ўзига тортадиган ажойиб толзорлар барпо этишга жиддий эътибор берсалар, айти муддао бўлур эди. Айтиқса сават тўқийдиган толларни кўпайтириш муҳим эканлигини унутмаслик керак.

Халқимизда «Яхши ният билан кўчат эк», деган ҳикматли нақл бор. Шунга амал қилайлик. Бошқа кўчатлар билан бир қаторда тол кўчатларини ҳам кўпроқ экайлик.

Толлар кўпайсин, ҳамма ёқ янада кўркам, ҳусн-латофатли бўлсин!

На узбекском языке

К- Ш А М С И Е В.

кандидат сельскохозяйственных наук

РАЗВЕДЕНИЕ КОРЗИНОЧНЫХ ИВ

Объединенное издательство
ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент—1968

Редактор С. Қодиров
Техредактор В. Зубовская Корректор Т. Аъламов

Беришга берилди 8/IV-1968 й. Босишга рухсат этилди 5/VIII 1968 й.
Эргоз формати $84 \times 108 \frac{1}{32}$ Босма листи 0,88. Шартли босма листи
47. Нашриёт ҳисоб листи 0,91. Тиражи 11150. Нашр № 54. P02683.
Заказ № 6561. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг
босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

